

# ШАРТНОМА № 10

« 03 » август 2022 йил

Кукон шаҳар.

КУКОН ШАХАР ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИ номидан, Низом асосида иш юритувчи бош врач Э.Кимсанов бундан буён, матнда «Иш бажарувчи» деб номланувчи бир тарафдан ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб номланувчи Муқимий номли КДПИ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар Д. Хаджаева иккинчи тарафдан куйидагилар тугрисида шартнома туздилар :

## 1. Шартнома мазмуни ва ҳажми.

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» га узаро келишув асосида куйидаги профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация иш турларини бажариб беради:

№	ИШ ТУРЛАРИ	Улчов бирлиги	Иш ҳажми (м <sup>2</sup> )		Нархи (1 м <sup>2</sup> га)	Йиллик суммаси (сум)
			Физик майдон	Оператив майдон		
1.	Дезинфекция	м <sup>2</sup>	27826 x 1 x 12	333912	100=	33 391 200
2.	Дезинсекция суварак	м <sup>2</sup>	27826 x 1 x 12	333912	100=	33 391 200
3.	Дератизация	м <sup>2</sup>	27826 x 1 x 12	333912	41=	13 690 392
4.	СДУ -дезинфекция	м <sup>2</sup>	100 x 1 x 12	1200	12671=	15 205 200
<b>Жами</b>						<b>95 677 992</b>

1.2. «Иш бажарувчи» иморатни, бинони, хоналарни, ховли, санитария қурилмаларини, ҳудуднинг бинолар қурилмаган қисмларини ишлов бериш тартиби ва муҳлатини белгилайди.

1.3. «Буюртмачи» шартномада курсатилган объектларда бир вақтнинг узида бир йула барча турдаги тадбирлар буйича иш олиб боришни талаб қила олмайди, чунки дезинфекция ишларини утказиш регламенти ССВ томонидан тасдиқланган курсатма ва услубий қулланмаларга асосан олиб борилади.

1.4. «Буюртмачи» ҳашоратлар ва кемирувчиларга қарши курашиш шартномасига объектнинг барча майдонларини, умумий фойдаланадиган асосий майдондан ташқари, қушимча ер майдонларини фақат техник хизмат курсатиш бюроси (БТИ) томонидан берилган техник паспорт асосида белгилайди.

## 2. Шартнома киймати ва тулов тартиби.

2.1. Шартноманинг умумий киймат Туксон беш миллион олти юз етмиш етти минг ТУККИЗ ЮЗ ТУКСОН ИККИ сумни ташкил этади.

2.2. Тулов ҳисобдан нақд пул ёки пул утказиш йули билан, айрим ҳолларда эса икки томоннинг келишувига асосан эҳтиёж моллари билан туловни амалга оширадилар.

2.3. «Буюртмачи» бажарилаётган иш ҳажми умумий суммасининг **30 фоизи** микдорига туловни олдиндан амалга оширади, қолган **70 фоизи** ишлар бажарилганлиги тугрисида далолатнома тузилгандан кейин ҳамда ҳисобварақ -фактура такдим этилгач **1 ой** муддат ичида утказиб берилади.

## 3. «Иш бажарувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

3.1. Профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан руҳсат этилган дезмоддаларни қуллаш.

3.2. Руҳсат этилган ва амалда қулланилаётган ташкилий-методик курсатма ва йуриқномаларга асосан ишлаш.

3.3. «Буюртмачи» га ишлатилаётган дезмоддалар хақидаги эҳтиёт чораларини тушунтириш.

3.4. «Буюртмачи» объектга кемурувчи ва ҳашаротларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида профилактик текширув назоратини утказиш.

3.5. Кемирувчи ва ҳашаротлар борлиги аниқланган тақдирда уларга қарши жадал кураш ишларини олиб бориш.

3.6. «Буюртмачи» томонидан билдирилган рекламациядан сунг уч кун ичида «Иш бажарувчи» уз ҳисобидан ишларни қайта бажариб бериш.

## 4. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

4.1. Ушбу шартнома учун маъсул, шахсни тайинлаш. Бу шахс объектнинг, ахлат камераларининг санитария ҳолати, корхона ҳудудининг тозаллиги учун жавоб беради, объектни текшириш ва ишлов беришда ҳамроҳ булади ва қилинган ишлар учун хужжатларни имзолайди ва корхона муҳри билан тасдиқланади.

4.2. Ишлов берилаётган объектларда барча техник хавфсизлиги чораларига амал қилишни таъминлаш (қулланиладиган дезмоддага нисбатан) «Иш бажарувчи»нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини утказиш учун объектларда иш жадвалини белгилаш.

4.3. Биноларни ишлов бериш учун уз вақтида ва сифатли тайёрлаш.

4.4. Хурақлар қуйиш учун зарур булган мосламаларни тайёрлаш ёки сотиб олиш (назорат майдончалари, хурақ яшиқлар ва х.к), «Буюртмачи» ҳудудида уларнинг йуқолиб кетмаслигини таъминлаш.

4.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш электр хавфсизлигини таъминлаш, ертулаларни сувдан тозалаш ва куриштириш, зинапоёлларни, туткичларни, полларни таъмирлаш ва бошқа техник хавфсизлиги ва меҳнатчи муҳофиза қилиш шароитларини таъминлаш.

4.6. Дератизация утакувчи шахсларни ишлашларига қулай шароит яратиб бериш учун девор томонидан камида 70 см очик жой қолдириш, стеллажларнинг пастки томонидан камида 25 см юқори бўлишини таъминлаш.

4.7. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган ишларнинг сифатсизлигини аниқласа, 3(уч) кун ичида «Иш бажарувчи» га рекламация билдириш.

## 5. Тарафларнинг моддий жавобгарлиги.

5.1. «Буюртмачи», «Иш бажарувчи» билан хар ойда бажарилган иш хажмига асосан тузилган солиштирма далолатномага асосан туловни 10 кун муддат ичида туловни амалга оширади сунг, кечиктирилган хар бир кун учун 0,4 фойз микдорда пеня тулайди, лекин пеня бажарилган ишлар умумий суммасининг 50 фойзидан ошмаслиги керак.

5.2. «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30 фойз пул утказиб берилган кундан бошлаб 10 кун ичида барча турдаги ишларни уз вақтида бажаришни бошламаса, хар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фойз микдорда пеня тулайди. Бирок пеня бажарилмаган ишлар умумий суммасининг 50 фойзидан ошмаслиги керак.

## 6. Низоларни хал қилиш тартиби.

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафлар уртасида музокара йули билан хал қилинади.

6.2. Агар узаро келишувга эришилмаса, барча низолар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Республика иқтисодиёт суди орқали хал этилади.

## 7. Форс-мажор.

7.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида юзага келиши мумкин булган форс-мажор ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 февралдаги № 409 сонли «Енгил булмас қучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тугрисида» ги қарори билан тартибга солинади.

## 8. Қушимча шартлар.

8.1. Иқтисодий узғаришлар булган тақдирда (дезмонда ва маҳсулотлар нархи, ойлик маошлар ошганда ва х.к.) «Иш бажарувчи» қушимча келишув асосида нархларга узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

8.2. Объектда илон, чаен каби захарли қушандаларга қарши кураш такозо этилган тақдирда ортиқча сарфланган қимёвий моддалар баҳоси қушимча ҳақ сифатида туланиши шарт.

## 9. Шартноманинг муддати ва уни узгартириш тартиби.

9.1. Шартнома бир йил муддатга тузилади, агар томонларнинг биронтаси шартнома муддатини тухтатиш ёки узгартириш ҳақида 1(бир) ой олдин ёзма равишда хабар қилмаса, шартнома шартлари уз қучини йукотмаган ҳисобланади.

9.2. Шартнома тарафлар томонидан имзолаган қунидан бошлаб қучга қиради.

9.3. Шартнома бир хил юридик қучга эга булган икки нусхада тузилди, бир нусхаси «Иш бажарувчи» да, иккинчиси нусхаси эса «Буюртмачи» да сақланади.

9.4. Агар «Буюртмачи» нинг пул маблаглари газначилик бўлими томонидан утказилса, ушбу шартнома газначилик бўлими томонидан руйхатдан утказилган кундан бошлаб юридик қучга қиради.

9.5. Шартнома «03» август 2022 йилдан «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## Тарафларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари :

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

Қўқон шаҳар Дезинфекция станцияси

Манзил: И.И.Бухорий қучаси

Тел.: (94) 491-45-75, (90) 550-66-67

х/в : 20210000400212100001

Банк : АТБ «Агробанк» Қўқон филиали

МФО : 00546

СТИР : 200132638

ОКЭД : 86900

### «БУЮРТМАЧИ»

Манзил:

Тел.:

ш/х\*

СТИР

ОКЭД

Газна х/в

Банкнинг номи

МФО

Газначилик бўлими СТИР

QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI QO'QON SHAHAR, TURON K-SI, 23-UY Tel/fax: 73-542-38-38, 542-02-57 Shxr: 4009 1086 0304 0570 9410 0079 001 STIR: 200 131 171 OKONX: 92110 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIVA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI X/r: 2340 2000 3001 0000 1010 XKKM MARKAZIY BANK TOSHKENT SH. BB MFO: 00014 STIR: 201 122 919
---



Раҳбар

(имзо)

Э.Кимсанов



Раҳбар

(имзо)

Р. Қоржаев

Қўқон шаҳар Дезинфекция станцияси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ҚДПИ ректори: Д.Ходжаева

«03» 08 2022йил

20 07 2022й йил кунги 22110012125800 лот рақами билан ҚДПИга қарашли биноларни 1-йил давомида дезинфекция ва дератизация ишларини олиб бориш учун etender.uzex.uz платформасига энг яхши таклифларни танлаб олиш учун жойлаштирилган эълон натижасини аниқлаш учун харид комиссиясини йиғилиш баёни

Б А Ё Н № 4

Қатнашдилар:

Комиссия раиси, ректор:	Д.Ходжаев
Комиссия аъзолари:	
Проректор:	Ж.Аъзамов
Коррупсияга қарши курашиш комплаенс-назорати тизимини бошқариш бўлими бошлиғи:	Т.Сиддиқов
Хуқуқшунос:	Х.Хазратқулов
Режа ва молия бўлими бошлиғи:	Н.Холиқов
Касаба уюшмаси раиси:	А.Рахматуллаев
Бош ҳисобчи:	А.Абдурахимов

Ушбу элонга 5 нафар дезинфекция соҳасига ихтисослашган ташкилотлар қатнашди. Жумладан:

«Жондор таррақкиёт» МЧЖ

«Интер бизнес профессионал» МЧЖ








«Мароканд дезинфекция» МЧЖ

«Ўзбекистон тумани дезинфекция стансияси» МЧЖ

"Кукон шаҳар дезинфекция стансияси" томонидан таклифлар келиб тушган.

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари томонидан 29 07 2022йил куни ўрганиб чиқиб баҳоланган ва 2 кун муҳокамага қўйилган.

ҚДПИга қарашли биноларни 1-йил давомида дезинфекция ва дератизация ишларини олиб бориш бўйича "Кукон шаҳар дезинфекция стансияси" голиб этиб топилди. Ушбу дезинфекция ташкилоти билан шартнома тузилди. 03 08 2022йил кунигача ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

Комиссия раиси, ректор:		Д.Ходжаев
Проректор:		Ж.Аъзамов
Коррупсияга қарши курашиш комплаенс-назорати тизимини бошқариш бўлими бошлиғи:		Т.Сиддиқов
Хуқуқшунос:		Х.Хазратқулов
Режа ва молия бўлими бошлиғи:		Н.Холиқов
Касаба уюшмаси раиси:		А.Рахматуллаев
Бош ҳисобчи:		А.Абдурахимов